



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY
VA O'RTA MAHSUS TAILIM
VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

“БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ”

мавзусидаги республика онлайн

илмий-амалий анжумани


МАТЕРИАЛЛАРИ



*Alisher
Navoiy*

580

5 февраль 2021 йил
Бухоро



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ
ЮКСАЛИШИ ВА ЁШЛАР
ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ
МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

мавзуидаги республика онлайн илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2021 йил 5 февраль. Бухоро

Тўпламдан республика онлайн илмий-амалий конференция материаллари ўрин олган. Мақолаларда Алишер Навоий ижодининг турли қирралари, уни ўрганиш масалаларига доир илмий кузатишлар жамланган бўлиб, мазкур соҳага оид барча мутахассисларга мўлжалланган.

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:

Р.Ражабова, Н.Қодирова, Н.Ўроқова

Такризчилар:

Ф.ф.д. Л.Шарипова, ф.ф.н. Т.Асадов

Мазкур илмий тўплам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги 4865-сонли “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги қарори ижроси доирасида амалга оширилди.

2. Навоий асарлари луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972. -791-б.
3. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. -320 б.
4. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Логика. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984. -376 б.

АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ

Н. Н. Тешаев,

фалсафа фанлари номзоди, доцент (БухДУ)

Инсониятнинг шу кунгача босиб ўтган мураккаб ривожланиш йўли эзгу мақсадларгафақат узлуксиз маънавий тарбия билангина эришиш мумкинлигини исботлаб келган. Зеро маънавият – инсон ҳаётининг асоси, иродани бақувватқиладиган ва виждонни уйғотадиган беқиёс куч, барча дунёқарашнинг муҳим мезонидир. Инсон ер юзида гўзаллик, поклик, бунёдкорлик тимсоли бўлиши лозим. Боиси, Яратган унинг номини улуғ, мартабасини юксак этган. Шунинг учун пастликка, тубанликка тобе бўлишдан инсон сақланиши зарур. Инчунин, буАлишер Навоий фалсафаси, шарқ одоб – ахлоқи мезонидир.

Навоий ижоди, фалсафий қарашлари, инсон ва олам ҳақидаги мушоҳодалари шу қадар нурли, шу қадар амалий ва жозибалиги, унга мурожаат этганлар, қизиқибкўрганлар Навоий ғояларининг мухлисига, эътиқодли издошига айланади. Буни исботқилиш учун, бир мисол келтираман, мумтоз адабиётимизнинг таниқлитадқиқототчиси, мархум академик Азиз Қаюмов билан бир учрашувда, домла қуйидагиларни айтган эди: «1967 йили Москва жаҳон адабиёти институтида Навоийнинг 525 йиллигига бағишланган илмий сессия. Унда биринчибўлиб машхур академик Конрад Навоий ижодининг умумжаҳон аҳамияти хусусида маъруза қилди. Эсимда, баланд бўйли, нуроний чехрали, оламга донғи кетган бу олим мутафаккир шоирнинг шеърларини илҳом билан ўқиди, уларни чуқур таҳлилдан ўтказди. Маъруза сўнгида бир оз сукут сақлаб, хаяжонланиб, анжуман иштирокчиларига тик боқиб, баралла сўзлади: «Жаҳон маданиятига Навоийдек буюк ижодкорни етказиб бергани учун ўзбекхалқига ташаккурлар айтсак арзийди!» деган эди. Бундан кўринадики, комилликка эришган зот халқига раҳматлар олиб келади, обрўсини, шон –шуҳратини кўтаради.

Алишер Навоий асарларида инсонийлик, ҳалоллик, мардлик, каноат, адолат, вафо, муҳаббат каби азалий ва абадий эзгу тушунчалар улуғланади. Инсон маънавиятига ҳамиша соя солиб келган риё, эътиқодсизлик, хасад, кибр каби иллатлар кескин танқид қилинади. Одамучун ҳаётнинг барча сўқмоқлари эслатилиб, инсоний камолотга элтадиган энг тўғри йўллар тавсия қилинади.

«Йигитлик ғанимат тутунгиз», деган мутафаккир бобомиз ёшлиқни ҳазина жамлаш фасли (ўз ҳаётий мезонларини шакллантириш, касб – ҳунар эгаллаш, моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкам салоҳиятга эга бўлишларига), қариликни (ҳаржлаш даври), ўз тажрибаси ва ҳунарини муносиб ворисларига ургатишларига киёслайди [1.87].

Мутафаккир назарида бу дунё – эски бир работ, умр ғанимат, вақт шамолдай учқур. Ҳаёт тонгини ғафлат босиб ҳам, фойдали иш билан ҳам утказиш мумкин. Шатранж доналари тартиб билан терилмас ва мақсад сари йўналтирилмас экан, уларнинг бир уюм ёғочдан фарқи йўқ. Шундай экан, инсон ўз ҳаётини «улуснинг навобахшибўлиш» йўлида бахшида этса, ўзидан яхши ном қолдирса, син саодатга эришади.

Ҳазрат Навоийнинг беш аср муқаддам айтган бу сўзлари, бугун ўз ижобатини топаётир. Мамлакатимизда ёшларнинг касб – ҳунар эгаллаши, ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этиши учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Ҳалкимиз азал – азалдан бир – бирига елкадош бўлиб, оғирини енгил қилиб яшаб келган. Жамулжам бўлиб яшаш туйғуси биз учун ҳаёт қоидасига, турмуш ва тафаккур тарзимизнинг ажралмас қисмига айланган. Алишер Навоий фалсафасида ҳам элдан ажралгунча этдан ажралиш маъқулроқ эканига қайта ва қайта урғу берилади.

Булут ўз сувларини экинлар униши учун сочгани туфайли ҳам у «гардун жаноб» бўлди – юксакликка кўтарилди, дўл дов- дарахтлар мевасига зарар етказгани учун ибрат аломатлари борлигини таъкидлайди мутафаккир бобомиз. Чиндан ҳам, ўз манфаатини эл – юрт равнаки билан бирлаштириш, ён атрофидаги муваффақиятларни ўз ютуғи, камчиликларни эса ўз муаммоси деб билиш, ўзига лойик билганни элдошларига ҳам раво кўриш – юксак инсоний фазилатлардандир. Тўғри йўлдан юрган одам сарв дарахти каби кўкка бўй чўзади, бироқ кўкка бўй чўзган билан мева бермаса, сарвнинг юксакликка чиққани бефойдадир. Сўз мулкининг султони Алишер Навоий «яхшироқ бил ани улус ароким, етса кўпрак нафъ улуқа андин» дер экан, бу жараён ўзаро уйғун ва бутун эканини уқтиради:

Нафъинг агар халққа бешакдурур,

Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур [1.117].

Одам ўзида рухан покланиш ва қалбан улғайишни туйгандагина, ўзхаётининг мазмун – моҳиятини англаб боради.

Алишер Навоий фалсафасида иймон, шарқона қарашнинг тизимига ҳамоханг равишда, сўз ва амал бирлигидир. Улуғ бобомиз иймон бамисоли бир бино, унинг асослари эса хаё, вафо ва сахийликдан иборат, дейди. Хаё(ботинимиздаги «мен» олдида жавобгарлик масъулиятини хис қилиб яшаш) ва **вафо** (кўнгил танлаган йўлдан юришга аҳд қилиш, ҳар қандай вазиятда ҳам виждонга қарши бормаслик) бирлашган жойдан баркамоллик бошланади.

Мукаддас китобларда ёзилишича, иймоннинг аломати балоларга сабр, неъматларга шукр қилишда кўринади. **Сабр** – мавжудлигидаги иродақудрати, қаноат лаззати, шубҳасизлик инояти. **Шукр**– ақл ватуйғу билан мавжудликдан топилган маъно, етиб келган жойда анланган ҳаловат. Қаноатсизлик эса имкониятдан маъно топилмаслик, ундан эплаб фойдалана олмаганлик учун маҳрум бўлишдир.

Одамзот Оллох берган неъматларга шукр қилиш учун, аввало, кавмдошлари меҳнатига, юртдошлари борлигига шукр қилиши лозим. Ҳазрат Навоий ҳам барчасига ўз вақтида улгуриш ва мавжуд воқеликдан маъно топиб яшаш лозимлигини таъкидлаб, сабот ва ишонч билан интилган одам хатто япроқдан ипак, гул баргидан асал яратиши мумкинлигини айтади:

Ҳар кимсаки айламас ошуқмоқни хаёл,

Яфроқни ифак қилур, чечак баргини бол [3.85].

Навоий фалсафасида жавонмарлар – футувват аҳли тутимини ўз манфаатидан кўраўзга инсонларга наф етказишда, деб билади. Бу олижаноблик эса миннатсиз саховат, таъмасиз яхшилик, манфаатсиз мурувватдир. Одам шаъм каби ўзи ёниб, ўзгаларга ёруғлик таратса, хамиша эзгуликка интилса, келтирган фойдасидан таъна қилмаса, йўли ойдин, кўнгли хотиржам, умри сермазмун бўлади.

«Маҳбуб ул – кулуб»да таъкидланганидек, «ёруғ жойда шаъм ёққани ақлдан бегона дейдилар». Бугун тўй – ҳашамларда ортиқча исрофгарчиликка йўл қуйиб, увол эвазига шон – шухрат истаётган кимсалар ҳам бор. Хайр – саховат - ўзқадрини ўзгаларга бўлган ҳурмати билан бир қаторга қўйиш, мухтожларнинг оғирини енгил қилиш, деганидир. Бунинг савобини, Ҳазрат Навоий «**Каъба** вайрон бўлса, уни обод қилиш» билан тенг кўраркан, «саховат инсоният боғининг борвар шажаридур (серҳосил дарахтдир), балки ул шажарнинг муфид самаридур (фойдали мевасидир)»[3.87], дейди. Ҳеч бўлмаганда ширин сўз билан

эхсон қилиш, одамларга наф келтириш, эл – юртнинг камини тўлғазиш инсонийлик гултожидир:

Мурувват барча бермакдур, емак йўқ,

Футувват барчақилмакдур, демак йўқ [4.56].

Инсон қалби, таъбир жоиз бўлса, мангу кўраш майдони. Дунёдаги ҳарқандай ақида ва тушунча одам кўнглида ўзини фош қилибқўяди, ожизу мукамал жиҳатини намоён этади. Улуғ бобомиз хикматларида ҳам олам ўзгариши учун, аввало, одам унинг қалби, мезонлари ва дунё қарашини ўзгариши лозимлиги ҳеч инкор қилиб бўлмайдиган фикрлар билан исботлаб берилган:

Ўз вужудинга тафаккур айлагил,

Ҳар не истарсан ўзингдан истагил [5.62].

«Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам» деган хазрат Навоий эл шод, мамлакат обод бўлиши учун, аввало одамзот ўз борлигидаги «хирсу хавас хирмони»ни барбод, «нафсу ҳаво қасрини барафтод этиши (ағдариши) лозимлигини уқтиради.

Кеча, бугун ва эрта буюк мутафаккир асарларидаҳамиша бир – бирига боғланиб келади. Бироқ муаллиф кишиларни аввало, ўзи яшаб турган замонни ғанимат билишга чақиради, чунки тарих ўтиб кетди, келажак ҳали олдинда, нақдини кўриш, яъни шу дамни дам билиш зарур, деб хисоблайди. «Маҳбуб ул – кулуб» асарида бир туркий шоирнинг шу мазмундаги ажойиб байтини келтиради:

Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,

Не учунким, дам-бу дамдур, дам – бу дамдур,

Дам - бу дам! [5.77].

Ҳамма замонлар ва маконлар учун ҳам буюк шиор бўладиган гап бу. Шу биргина мисол баҳонасида айтиш мумкинки, Навоий маънавият меросида ўзигача булган қанчадан – қанча буюк ақл эгаларининг дурдона фалсафий фикрлари жамланган, агар шу асарлари ёзилмаганида эди, бу хикматли фикрлар ҳам, эҳтимол бизгача етиб келмас эди. Йиллар, асрлар ўтади. Аммо буюк Алишер Навоийнинг боқий мероси, унда улуғланган миллий тутумлар умуммиллий ва умумбашарий эзгу ғояларини таратиб яшайверади. На вақт, на макон ва на замон таомиллари даҳл қилолмаган бу беназир маънавий хазина бизга маънавият, дид, эътиқод, тасаввур ва тафаккурнинг энг эзгу ғояларидан сабоқ бераверади.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий Мукамал асарлар тўплами, 7 жилд. – Т: 1991, 87-б.
2. Алишер Навоий асарлар тўплами. 14-жилд – Т: 1998, 117-б

3. Алишер Навоий асарлар 13-жилд – Т:1996, 85-б.

4. Алишер Навоий Махбуб ул-қулуб, – Т: 1983. 56-77б.

NAVOIY NAZMINING JILOLARI

Xudoyorova Nigora,

Toshkent davlat texnika universiteti

Termiz filiali assistenti

She'riyat mulkinging sultoni Mir Alisher Navoiy ijodi mana 580 yildirki, hali hanuz ochilmagan qo'riq misolidir. Navoiy ijodi ixlosmandlari uning she'rlarini yig'ib, "Ik devon" (1464-1465) tuzgan edilar. So'ngra "Badoyi-ul-bidoya" ("Go'zallikning boshlanishi"), "Navodir-un-nihoya" ("Nodirliklar nihoyasi") nomli devonlar (1470- yillar) tartib berganligi adabiyot ahliga ma'lum. Lirik merosi umumiy hajmi 50000 misradan ortiq "Xazoyin-ul-maoniy" nomli to'rt devoni esa she'riyat ahlini o'ziga rom etib kelmoqda.

Hazrat Mir Alisher Navoiy turkiy g'azallarni qay yo'sin chiroyli tartib bergan bo'lsalar, forsiy g'azallarni ham mohirlik bilan go'zal tarzda yaratib, kitobxonlar hukmiga havola etganlar. Alisher Navoiyning forsiy g'azallari ko'pdan buyon ilmiy jamoatchilik va adabiyot ixlosmandlarining diqqatini o'ziga jalb etib kelmoqda. Bu borada qator ilmiy izlanishlar, "Devoni Foniyy" haqida tadqiqotlar amalga oshirilgan.

Adabiyot olamida atoqli matnshunos olim Hamid Sulaymonning sa'y-harakatlari va ilmiy izlanishlari natijasida "Devoni Foniyy" nashrga tayyorlanib, e'lon qilingandan keyin foniyshunoslik navoiyshunoslikning alohida tarmog'i sifatida shakllandi va adabiyot ixlosmandlarining nazariga tushdi.

O'zbekistonda "Devoni Foniyy" haqidagi ilk tadqiqotlarni amalga oshirgan S. Ayniy, A. Fitrat, A. Sa'diy va O. Sharafiddinovlarning nomini alohida e'tirof etmoq joizdir.

Foniyy she'riyati bugungi kungacha asosan qiyosiy adabiyotshunoslik nuqtai nazaridan tahlil etilib, unig g'zallaridagi an'ana va novatorlik, badiiylilik va betakror yangilik masalalari turli olimlar tomonidan tahlil etilgan va ilm ahllari hukmiga havola etilgan.

Alisher Navoiy tatabbu an'anasini davom ettirgan buyuk so'z san'atkori sifatida Shayx Sa'diy, Amir Xusrav Dehlaviy, Abdurahmon Jomiy, Mavlono Shohiy, Xoja, Maxdumlarining g'azallariga mahorat bilan javob qaytargan.

Bular xususida biz A. Shomuxamedov va S. Sotiboldiyevalarning ilmiy ishlaridan ko'pgina ma'lumotlar olishimiz mumkin.

Navoiy-Foniyyning birovga izdoshlik qilmagan holda yozgan go'zal g'azallari (ularga nisbatan shoirning o'zi "muxtara", "ixtiro" so'zlari – istilohlarini qo'llagan)

<i>Murodova Gulchehra</i> “НАЙРАТ УЛ АБРОР” DOSTONIDAGI SO‘Z TA‘RIFI BOBI NASHRLARINING QIYOSIY TAHLILI.....	68
<i>Шоҳиста Низомова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА СУВ ВА ОЛОВ ОБРАЗИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ..	71
<i>G. S.Omarova, M. R. Bozorbayeva</i> “LAYLI VA MAJNUN” DOSTONIDA MUALLIF DADIY NIYATINING IFODALANISHI.....	76
<i>Ражабова Маърифат</i> САМАНДАР – АБАДИЙ ҲАЁТ ТИМСОЛИ.....	80
<i>Зулайхо Раҳмонова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЁТИДА ТАВБА ТАЛҚИНЛАРИ.....	84
<i>Sadullayeva Shahlo, Shamsiddinova Sitara</i> "LISON UT-TAYR" DOSTONIDA НАЙРАТ ВА FAQR-U FANO VODIYLARINI TASVIRLASHDA TAMSILYIY NIKOYATNING АНАМИЯТИ.	89
<i>Safarova Shahlola</i> “SABV‘AI SAYYOR” DOSTONI HAMD BOBINING G‘OYAVIY –BADIY TAHLILI.....	94
<i>Hilola Safarova, Mohigul Ismatova</i> ALISHER NAVOIYNING “FARHOD VA SHIRIN” DOSTONIDA OBRAZ YARATISH MAHORATI.....	98
<i>Sayliyeva Zarina</i> “HIRIY JON, BADANDIR XUROSON ANGA...”.....	100
<i>G. Sayidova</i> ALISHER NAVOIY ASARLARIDAGI O‘XSHATISHLARNING TASNIFI.....	104
<i>H. H. Teshayev</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ.	107
<i>Xudoyorova Nigora</i> NAVOIY NAZMINING JILOLARI.....	111
<i>Д.К.Эргашева</i> ПОЭТИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ АЛИШЕРА НАВОИ.....	113
<i>Ergasheva Naima</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARIDA TANOSUB SAN‘ATI.....	118
<i>Хусниддин Эшонқулов</i> МАЪШУҚА ВА ОШИҚ ҲОЛИГА ХОС ИСТИОРАЛАШГАН ЭПИТЕТЛАРИНИНГ ҚОФИЯЛАНИШИ.....	120
<i>G. Sh.Qobilova</i> “SAB‘AI SAYYOR” DOSTONINING ILMIY-TANQIDIY MATNINI YARATISHDA ASOS BO‘LGAN MANBALAR.....	124
<i>Дилрабо Қувватова, Зарнигор Соҳибова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ОҒАҲИЙ ШЕЪРИЯТИДА БАҲОР ТАСВИРИНИНГ МУШТАРАК ЖИҲАТЛАРИ...	126
<i>Halimova Shahlo</i> ALISHER NAVOIY TARJE‘BANDLARINING TASVIR MONIYATI... ..	130
<i>Hojiyeva Nigina</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ..	133
<i>Azimjon Hamidov</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARI NASHRIDAGI AYRIM TAFOVUTLAR HAQIDA MULOHAZALAR.....	137
<i>Vaxobova Shoxida</i> “MUNSHAOT” MAKTUBLARIDA NAVOIY QARASHLARINING AKS ETISHI.....	140